ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАМАШИ ТУАНИ КЕНГАШИ
ҚАРОРИ

2019 йил “ 17 ” декабрь **186/64-5-сон**

2020 йил учун Қамаши туман маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Қонуннинг 18-моддасига асосан 2020 йил учун Қамаши туманининг маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Қамаши тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиги;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқдан мустасно.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда туман бюджети ўртасида тақсимланиб, туман маҳаллий бюджетига қолдирилиши белгиланмоқда:

– юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишдан акциз солиғи;

– айрим товарларни чакана савдосидан бериладиган ҳуқуқ учун йиғимлар;

– электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

– айланмадан солиқ;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

– автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар.

в) Вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилиши белгиланганлиги маълумот учун кўрсатилмоқда:

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

г) Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

Асл нусха тўғри

3. Қонунга асосан туман маҳаллий бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) тумандан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи гуруҳ (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар) ва иккинчи гуруҳ (иш ҳақига ажратма) харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ (бошқа) харажатлари тегишлилиги бўйича туман бюджетидан молиялаштирилади;

б) Маълумот учун вилоятнинг вилоят бюджетидан:

– иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари;

– вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси;

– умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш харажатлари;

– давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари;

в) туман бюджетидан:

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;

– давлат санитария-эпидемиология назорати туман ва шаҳар марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилади. *(маълумот 9-иловада)*

4. 2020 йилги туманнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда 2020 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят бўйича ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилингсин.

Аслига тўғри

7. 2020 йил учун туман бюджет даромадлар ва харажатлари прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. Туман бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. 2020 йил учун туман махаллий бюджетининг заҳира жамғармаси ҳажмлари 7-иловага мувофиқ **2 млрд. 059 млн. 178 минг. сўм** миқдорида маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Туман махаллий бюджетининг 2020 йил учун заҳира жамғармаси тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 1,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади.

10.Туман махаллий бюджетининг 2020 йил учун йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори **8-иловага** мувофиқ маъқуллансин.

Туман ҳокимлиги заҳира жамғармаси маблағларини туман махаллий бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласинлар.

10. Туман махаллий бюджетида шаклланган қўшимча манбалар тегишлилиги бўйича Халқ депутутати туман Кенгаши томонидан туман ҳокимликлари таклифларига асосан, Кенгаш қарорига асосан ишлатилиши белгилансин.

Бунда, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларнинг моддий-техникасини мустаҳкамлаш, кейинги навбатда уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва вилоят ва туманларга ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиш баёнларида кўзда тутилган тадбирларга, ҳудудлардаги ичимлик суви таъминотини яхшилаш, туман ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини таъмирлашга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

11. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 2-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш

Аслига тўғри

юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиниши белгилаб қўйилсин.

12. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Туман ҳокимлиги, туман молия бўлими билан:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

14. Туман ҳокимлиги, туман молия бўлими билан биргаликда махаллий бюджетнинг қўшимча манбаларни камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирилишини таъминласин.

15. Вазирлик идораларининг шунингдек, вилоят ташкилот ва идораларининг туманда ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича тузилган йўл харитасига ҳамда йиғилиш баёнларига асосан бюджетларнинг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

16. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини туман Кенгашига киритилишини таъминласин.

17. Қамаши туман ҳокимлиги матбуот котиби Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Қамаши тумани ҳокимининг саноатни ривожлантириш, иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари зиммасига юклатилсин.

Кенгаши раиси **Ш.Санаев**

5

Халқ депутатлари
Қамаши туман Кенгашининг
2019 йил «17» декабр даги
186/64-5 -сонли қарорига
1-илова

Қамаши туманининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичларининг прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2021-2022 йилларга мўлжаллари

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз	Мақсадли мўлжаллар	
			2021 йил	2022 йил
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	105,0	104,8	105,0
2.	Истеъмол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	104,1	104,5	105,0
3.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	100,5	105,3	105,7
4.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	102,3	102,2	102,2
5.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	102,5	102,5	103,0

Халқ депутатлари
Қамаши туман Кенгашининг
2019 йил «11» декабрдаги
186/64-5 -сонли қарорига 2-илова

Қамаши туман маҳаллий бюджетларининг 2020 йилги асосий кўрсаткичлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

минг.сўм

№	Даромад тури	Қамаши тумани
	Жами даромадлар	**94 710 808**
I.	**Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад**	**38 412 843**
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	*38 412 843*
	ажратма меёри	***100***
1.	маҳаллий бюджетга	38 412 843
	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	*3 044 999*
	ажратма меёри	
2.	маҳаллий бюджетга	
II.	**Бириктирилган даромадлар**	**34 919 965**
	Туман ва шаҳарларга бириктирилган	**18 718 865**
1	Ягона солиқ тўлови	7 384 960
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	1 121 079
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	5 504 054
4	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	85 008
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 573 764
6	Ижара тўловлари	50 000,0
	Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар	**16 201 100**
1	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	5 325 955
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	5 325 955
2	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 901 487
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	2 901 487
3	Юридик шахслар ер солиғи	4 558 466
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	4 558 466
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	143 396
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	143 396
5	Йиғимлар	3 271 796
	ажратма меёри	***100***
	маҳаллий бюджетга	3 271 796
	Вилоят бюджетига	
1	Давлат божлари	
2	Давлат ташкилотлари фойда солиғи	
3	Жарималар	
III.	**Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)**	**21 378 000**
	Аҳоли сони (минг киши)	*264 853*
15.	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	13 723 000
16.	Мобил алоқага акциз солиғи	7 655 000
	Маълумот учун: 2019 йил параметр	
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	**139 337 733**
	ТРАНСФЕРТЛАР	**44 626 925**

давоми

минг сўмда

Кўрсаткичлар		Қамалиқ туйани
	ХАРАЖАТЛАР-ЖАМИ	**139 337 733**
1.	**ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХАРАЖАТЛАР - ЖАМИ**	**116 137 143**
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	12 481 468
	- мактабгача таълим	4 478 194
	- умумий таълим	8 003 274
	- кадрлар тайёрлаш	-
1.2	Соғлиқни сақлаш	56 926 590
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	2 009 146
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	1 245 556
	- спорт	763 590
1.4	Фан	-
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	44 665 342
1.6	Ижтимоий кўникма марказлари	54 597
2.	**ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАР**	**11 322 698**
	шу жумладан:	
2.1	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	864 532
2.2	Ободонлаштириш	7 821 966
2.3	Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар	131 586
2.4	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	1 264 738
2.5	Ветеринария қўмитаси	1 239 876
3.	**ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**4 474 433**
3.1	Давлат бошқарув идоралари	4 474 433
4.	**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**5 344 281**
5.	**ЗАҲИРА ЖАМҒАРМАСИ**	**2 059 178**
6.	**БОШҚА ХАРАЖАТЛАР**	**-**
	шу жумладан:	
6.1	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	-
	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	**94 710 808**
	ТРАНСФЕРТ	**44 626 925**

Халқ депутатлари
Қамаши тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрдаги
186/64-5-сонли қарорига
3-илова

2020 йил учун Қамаши тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**139 337 733,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**139 337 733,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
	маълумот учун:	**0,0**
	Индексация маблағлари	**4 583 044,8**
	туман маҳаллий бюджетига трансферт миқдори	**44 626 925,0**
1.	**Халқ таълими бошқармаси**	**8 003 274,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 003 274,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
2.	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**4 478 194,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 478 194,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
3.	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**56 926 590,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	56 926 590,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Маданият бошқармаси**	**1 245 556,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 245 556,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
5.	**Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси**	**763 590,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	763 590,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
6.	**Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари**	**864 532,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	864 532,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
7.	**Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари**	**1 264 738,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 264 738,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
8.	**Ветеринария қўмитаси ташкилотлари**	**1 239 876,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 239 876,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

№	Кўрсаткичлар	миқдори
9.	**Ижтимоий кўникма марказлари**	**54 597,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	54 597,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
10.	**Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар**	**44 665 342,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	44 665 342,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
11.	**Давлат ҳокимият органлари**	**4 474 433,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 474 433,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
12.	**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**5 344 281,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 344 281,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
13.	**Ободонлаштириш**	**7 821 966,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 821 966,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14.	**Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар**	**131 586,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	131 586,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	**ЗАҲИРА ЖАМҒАРМАСИ**	**2 059 178,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 059 178,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари
Қамаши тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрдаги
186/64-5-сонли қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан Қамаши туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланғанлик учун солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Йиғимлар	Ижара тўлови
1	Қамаши тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари
Қамаши тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрдаги
186/64-5-сонли қарорига
5-илова

Қамаши туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

(минг сўм)

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	**94 710 808,0**	**139 337 733,0**
Қамаши тумани	94 710 808,0	139 337 733,0

Халқ депутатлари
Қамаши тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабр даги
IX6/64-5 -сонли қарорига
6-илова

Қамаши туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Туман номи	Тартибга солувчи трансферт миқдори
ЖАМИ	**44 626 925,0**
Қамаши тумани	44 626 925,0

Халқ депутатлари
Қамаши тумани Кенгашининг
2019 йил « 17 » декабрь даги
186/64-5 -сонли қарорига
7-илова

Қамаши туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Худуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**863 172,0**
1	Қамаши тумани	**863 172,0**

Халқ депутатлари
Қамаши тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрдаги
186/64-5 -сонли қарорига 8-илова

Қамаши туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги заҳира жамғармаси

М И Қ Д О Р И

(млн.сўмда)

		Суммаси
А	1	2
1	Қамаши тумани	2059,178
	Жами	**2059,178**

Туман ҳокимининг 2017 йил
"17" декабр "180/ҳм-5"-сонли
қарорига 9-илова

Молиялаштирилиши вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ўтказиладиган бюджет ташкилотлари

РЎЙХАТИ

№	Бюджет ташкилотлари номи
А	1
	Туманлар бюджетига
1	Туман хокимликлари молия бўлимлари
2	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлимлари
3	Туман ирригация бўлимлари